Шифрлашни комбинацион усули. Шифрлашнинг комбинацияланган усуллари. Кудратли компьютерлар, тармок технологиялари ва нейронли хисоблашларнинг пайдо булиши хозиргача умуман фош килинмайди деб хисобланган криптографик тизимларни обрусизлантирилишига сабаб булди. Бу эса уз навбатида юкори бардошликка эга криптографик тизимларни яратиш устида ишлашни +акозо этди. Бундай криптографик тизимларни яратиш усулларидан бири шифрлаш усулларини комбинациялашдир. К^/йида энг кам вакт сарфида криптобардошликни жиддий. ошишини таъминловчи шифрлашнинг комбинацияланган усули устида суз боради. Шифрлашнинг ушбу комбинацияланган усулига биноан маълумотларни шифрлаш икки боскичда амалга оширилади. Биринчи боскичда маълумотлар стандарт усул (масалан, DES усул) ёрдамида шифрланса, иккинчи боскичда шифрланган маълумотлар махсус усул буйича кайта шифрланади. Махсус усул сифатида маълумотлар векторини

элементлари нолдан фаркли булган сон матрицасига купайтир'ишдан фойдаланиш мумкин.

Гаммалашни куллашда агар шифр гаммаси сифатида ракамларнинг такрорланмайдиган кетма-кетлиги ишлатилса шифрланган матнни фош килиш жуда кийин. Одатда шифр гаммаси хар бир шифрланувчи суз учун тасодифий узгариши лозим. Агар шифр гаммаси шифрланган суз узунлигидан катта булса ва дастлабки матннинг хеч кандай кисми маълум бўлмаа, шифрни факат тугридан-тугри саралаш оркали фош этиш- мумкин. Бунда криптобардошлик калит ўлчами оркали аникланади. Шифрлашнинг бу усулидан купинча химоя тизимининг дастурий амалга оширилишида фойдаланилади ва шифрлашнинг бу усулига асосланган тизимларда бир секундда маълумотларнинг бир неча юз ЬСбайтини шифрлаш имконияти мавжуд. Расшифровка жараёни-калит маълум булганида шифр гаммасини кайта генерациялаш ва уни шифрланган маълумотларга сингдиришдан иборат.

Шифрланган маълумотлар векторини матрицага купайтиришни куллашда шифрланган матн бйр байт узунликдаги векторларга

, *"mL* -

ажратилади ва хар бир вектор квадрат матрица [1] "• га купаитирилади

ва шифрланган векторлар шакллантирилади:

G'.' •.G'. -w„

Бу усулнинг асосий афзаллиги сифатида унинг маълумотлар ишланишининг турли жабхаларидаги мосланувчанлигини курсатиш мумкин. X^p бир вектор алохида шифрланган лиги сабабли маълумотлар блоки ни узатиш ва дастурланган маълумотлардан ихтиёрий фойдаланиш имконияти тугилади. Ушбу усулни аппарат ёки дастурий усулда амалга ошириш мумкин.

Дешифрлаш жараёнида шифрланган / векторларни тескари

(Ki) •• -

матрица " * 1'га купаитирилади.

G'. - G'.' • m „ "

Комбинацияланган усулларнинг юкори самарадорлигига унинг иккала боскичини аппарат усулда амалга ошириш оркали эришиш мумкин. Аммо бу ускуна харажатларининг жиддий ошишига олиб келади. Дастурий усулда амалга оширилишида эса маълумотларни шифрлаш ва, Дешифрлаш вакти ошиб кетади. Шу сабабли комбинацияланган усуларни аппарат-дастурий усулда, яъни усулнинг бир боскичи аппарат усулда, иккинчи боскичи дастурий усулда амалга оширилиши максадга мувофик хисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Нильс Фергюсон, Брюс Шнайер «Практическая криптография», М.: Издательский дом «Вильяме», 2005г.-424с.
2. Петров А.А. «Компьютерная безопасность. Криптографические методы защиты», М.: ДМК, 2000г. -448с.
3. Коблиц Н. Курс теории чисел в криптографии. - М., Научное издательство ТВП, 2001 й.
4. Масленников А. Практическая криптография BHV - СПб 2003Й.
5. Шнайер Брюс. Прикладная криптография. Протоколы, алгоритмы, исходные тексты на языке Си. Триумф-2002й.
6. Баричев С. Основы современной криптографии. Учебный курс. Горячая линия Телеком 2002Й.
9. С.К.Ганиев, М.М. Каримов, К.А. Тошев «Ахборот хавфсизлиги. Ахборот — коммуникацион тизимлари хавфсизлиги», «Алокачи» 2008 йил, 378 бет.

4 – Лаборатория машғулотлари.

ЭЛЕКТРОН РАКАМЛИ ИМЗО

Электрон хужжатларни тармок оркали алмашишда уларни ишлаш ва саклаш харажатлари камаяди, кидириш тезлашади. Аммо, электрон хужжат муаллифини ва хужжатнинг узини аутентификациялаш, яъни муаллифнинг хакикийлигини ва олинган электрон хужжатда узгаришларнинг йуклигини аниклаш муаммоеи пайдо булади.

Электрон хужжатларни ауентификациялашдан максад уларни мумкин булган жинояткорона харакатлардан химоялашдир. Бундай харакатларга куйидагилар киради:

- фаол ушлаб колиш - тармокка уланган бузгунчи хужжатларни (файлларни) ушлаб колади ва узгартиради.
- маскарад - абонент С хужжатларни абонент В га абонент А номидан юборади;
- ренегатлик - абонент А абонент В га хабар юборган булсада, юбормаганман дейди;
- алмаштириш - абонент В хужжатни узгартиради, ёки янгисини шакиллантирадива уни абонент А дан олганман дейди;
- такрорлаш - абонент А абонент В га юборган хужжатни абонент С такрорлайди.

Жинояткорона харакатларнинг бу турлари уз фаолиятида компьютер ахборот технологияларидан фойдаланувчи банк ва тижорат структураларига, давлат корхона ва ташкилотларига хусусий шахсларга анча- мунча зарар етказиши мумкин.

Электрон ракамли имзо методологияси хабар яхлитлигини ва хабар муаллифининг хакикийлигини текшириш муаммосини самарали хал этишга имкон беради.

Электрон ракамли имзо телекоммуникация каналлари оркали узатилувчи матнларни аутентификациялаш учун ишлатилади. Ракамли имзо ишлаши буйича оддий кулёзма имзога ухшаш булиб, куйидаги афзалликларга эга:

- имзо чекилган матн имзо куйган шахсга тегишли эканлигини тасдиклайди;
- бу шахсга имзо чекилган матнга боглик мажбуриятларидан тониш имкониятини бермайди;
- имзо чекилган матн яхлитлигини кафолатлайди.

Электрон ракамли имзо - имзо чекилувчи матн билан бирга узатилувчи кушимча ракамли хабарнинг нисбатан катта булмаган еонидир.

Электрон ракамли имзо асимметрик шифрларнинг кайтарувчанлигига хамда хабар таркиби, имзонинг узи ва калитлар жуфтининг узаро богликлигига асосланади. Бу элементларнинг хатто биринин узгариши ракамли-имзонинг хакикийлигини тасдиклашга имкон бермайди. Электрон ракамли имэо шифрлашнинг асимметрик алгоритмлари ва хеш-функциялари ёрдамида амалга оширилади.

Электрон ракамли имзо тизимининг кулланишида бир- бирига имзо чекилган электрон хужжатларни жунатувчи абонент тармогининг мавжудлиги фараз килинади. Х,ар бир абонент учун жуфт - махфий ва очик калит генерацияланади. Махфий калит абонентда сир сакланади ва ундан абонент электрон ракамли имзони шакллантиришда фойдаланади.

Очик калит бошка барча фойдаланувчиларга маълум булиб, ундан имзо чекилган электрон хужжатни кабул килувчи электрон ракамли имзони текширишда фойдаланади.

Электрон ракамли имзо тизими иккита асосий муолажани амалга оширади:

- ракамли имзони шакллантириш муолажаси;
- ракамли имзони текшириш муолажаси.

Имзони шакллантириш муолажасида хабар жунатувчисининг махфий калити ишлатилса, имзони текшириш муолажасида жунатувчининг очик калитидан фойдаланилади.

Ракамли имзони шакллантириш муолажаси. Ушбу муолажани тайёрлаш боскичида хабар жунатувчи абонент А иккита калитни генерациялайди: махфий калит $к_А$ ва очик калит $К_А$. Очик калит $К_А$ унинг жуфти булган махфий калити $к_А$ дан хисоблаш оркали олинади. Очик калит $К_Л$ тармокнинг бошка абонентларига имзони текширишда фойдаланиш учун таркатилади.

Ракамли имзони шакллантириш учун жунатувчи А аввало имзо чекилувчи матн М нинг хеш функцияси L(M) кийматини хисоблайди (4.1 .-раем).

Хеш-функция имзо чекилувчи дастлабки матн "М" ни дайджест "т" га зичлаштиришга хизмат килади. Дайджест М-бутун матн "М" ни характерловчи битларнинг белгиланган катта булмаган сонидан иборат нисбатан киска сондир. Сўнгра жунатувчи А узининг махфий калити $к_A$ билан дайджест "т" ни шифрлайди. Натижада олинган сонлар жуфти берилган "М" матн учун ракамли имзо хисобланади. Хабар "М" ракамли имзо билан биргаликда кабул килувчининг адресига юборилади.



$к_A$

Электрон ракамли имзони шакллантириш схемаси Ракамли имзони текшириш муолажаси. Тармок абонентлари олинган хабар "И" нинг ракамли имзосини ушбу хабарни жунатувчининг очик калити $К_A$ ёрдамида текширишлари мумкин.



4.2.-расм. Электрон ракамли имзони текшириш схемаси.

Электрон ракамли имзони текширишда хабар "М"ни кабул килувчи "В" кабул килинган дайджестни жунатувчининг очик калити "$К_A$" ёрдамида дешифрлайди. Ундан ташкари, кабул килувчини узи хеш-функция h(M) ёрдамида кабул килинган хабар "М" нинг дайджести "т" ни хисоблайди ва уни дешифрлангани билан таккослайди. Агар иккала дайджест "т" ва "т"' мое келса ракамли имзо хакикий хисобланади. Акс холда имзо калбакилаштирилган, ёки ахборот мазмуни узгартирилган булади.

Электрон ракамли имзо тизимининг принципиал жихати- фойдаланувчининг электрон ракамли имзосини унинг имзо чекишдаги махфий калитини билмасдан калбакилаштиришнинг мумкин эмаслигидир. Шунинг учун имзо чекишдаги махфий калитни рухсатсиз фойдаланишдан химоялаш зарур. Электрон ракамли имзонинг махфий калитини, симметрик шифрлаш калитига ухшаб, шахеий калит элитувчисида, химояланган холда саклаш тавфеия этилади.

Электрон ракамли имзо имзо чекилувчи хужжат ва махфий калит оркали аникланувчи ноёб сондир. Имзо чекилувчи хужжат сифатида хар кандай файл ишлатилиши мумкин. Имзо чекилган файл имзо чекилмаганига бир ёки бир нечта электрон имзо кушилиши оркали яратилади.

Имзо чекилувчи файлга жойлаштирилувчи электрон ракамли имзо имзо чекилган хужжат муаллифини идентификацияловчи кушимча ахборотга эга. Бу ахборот хужжатга электрон ракамли имзо хисобланмасидан олдин кушилади. Х,ар бир имзо куйидаги ахборотни уз ичига олади:

- имзо чекилган сана;
- ушбу имзо калити таъсирининг тугаши муддати;
- файлга имзо чекувчи шахе хусусидаги ахборот (Ф.И.Ш., мансаби, иш жойи);
- имзо чекувчининг индентификатор и (очик калит номи);
- ракамли имзонинг узи.

Асимметрик шифрлашга ухшаш, электрон ракамли имзони текшириш учун ишлатиладиган очик калитнинг алмаштирилишига йул куймаслик лозим. Фараз килайлик, нияти бузук одам "п" абонент "В" компьютерида сакланаётган очик калитлардан, хусусан, абонент А нинг очик калити $К_А$ дан фойдалана блади. Унда у куйидаги харакатларини амалга ошириши мумкин:

- очик калит $К_А$ сакланаётган файлдан абонент А хусусидаги инденцификация ахборотини укиши;
- ичига абонент А хусусидаги индентификация ахборотини ёзган холда шахеий жуфт калитлари к,, ва $К_п$ ни генерациялаши;
- абонент Вда сакланаётган очик калит $К_А$ни ^зининг очик калити $К_п$ билан алмаштириши.

Сўнгра нияти бузук одам "п" абонент В га хужжатларни узининг махфий калити к,, ёрдамида имзо чекиб жунатиши мумкин. Бу хужжатлар имзосини текширишда абонент В абонент А имзо чеккан хужжатларни ва уларнинг электрон ракамли имзоларини тугри ва хеч ким томонидан модификацияланмаган деб хисоблайди. Абонент А' билан муносабатларини бевосита ойдинлаштирилишигача В абонентда олинган хужжатларнинг хакикийлигига шубха тугилмайди.

Электрон ракамли имзонинг қатор алгоритмлари ишлаб чикилган. 1977 йилда АКШ да яратилган[3]RSA тизими биринчи ва дунёда машхур электрон

ракамли имзо тизими хисобланади ва юкорида келтирилган принципларни амалга оширади. Аммо ракамли имзо алгоритми RSA жиддий камчиликка эга. У нияти бузук одам га махфий калитни билмасдан, хешлаш натижасини имзо чекиб булинган хужжатларнинг хешлаш натижаларини купайтириш оркали хисоблаш мумкин булган хужжатлар имзосини шакллантиришга им кон беради.

Ишончлилигининг юкорилиги ва/ шахсий компьютерларда амалга оширилишининг кулайлиги билан ажралиб турувчи ракамли имзо алгоритмли 1984 йилда Эль Гамал томонидан ишлаб чикилди. Эль Гамалнинг ракамли имзо алгоритми (EGSA) RSA ракамли имзо алгоритмидаги камчиликлардан холи булиб, АКШ нинг стандартлар ва технологияларнинг Миллий университета томонидан ракамли имзонинг миллий стандартига асос каби кабул килинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Нильс Фергюсон, Брюс Шнайер «Практическая криптография», М.: Издательский дом «Вильяме», 2005г.-424с.
2. Петров А.А. «Компьютерная безопасность. Криптографические методы защиты», М.: ДМК, 2000г. -448с.
3. Коблиц Н. Курс теории чисел в криптографии. - М., Научное издательство ТВП, 2001 й.
4. Масленников А. Практическая криптография BHV - СПб 2003Й.
5. Шнайер Брюс. Прикладная криптография. Протоколы, алгоритмы, исходные тексты на языке Си. Триумф-2002й.
6. Баричев С. Основы современной криптографии. Учебный курс. Горячая линия Телеком 2002Й.
7. С.К.Ганиев, М.М. Каримов, К.А. Тошев «Ахборот хавфсизлиги. Ахборот - коммуникацион тизимлари хавфсизлиги», «Алокачи» 2008 йил, 378 бет.

- **5– Лаборатория машғулотлари.**

КВАНТ КРИПТОГРАФИЯСИНИНГ МАЪЛУМОТ КАЛИТИ ТАКСИМОТИ ТИЗИМИНИ ПРОТОКОЛЛАРИ

Квантли объектлар билан ахборотларни сохталаштириш ва рухсат этилмаган киришдан химоя килиш фикрини биринчи булиб 1970 йил Стефан Вейснер томонидан айтилган. 10 йилдан сунг, Вейснер билан таниш булган Беннет ва Брассард Вейснернинг ишини давом этиб, квантли обектлар ёрдамида махфий калитларни юборишда ишлатган. 1984 йили IBM фирмаси ходими Чарлз Беннет ва Монрела университета олими Жил Брассор фотонларнинг криптография сохасида фундаментал химояланган алока каналини ташкил килиши мумкинлигини аниклашган. 0 ва 1 ларни ташкил килиш учун фотонларни олишга карор килишди, бу фотонларнинг турли кутблари оркали ташкил килинади. BB84 деб номланувчи квантли шифрлаш калитларини аниклаш схемасини тузиб

чикишди. Кейин рок, 1991 йилда бу гоя Экерт томонидан шакллантирилди. Бу схема квантли канални куллайди, кайсики алокани химояланган сеанси иштирокчилари бир бирлари билан маълумот алмашиш учун уларни кутбланган фотонлар кўринишида юборади.

Квантли криптография технологияси квант тизимининг куйидаги хоссасига асосланган - бир вактнинг узида кордината ва импулс кисмларини кабул кила олмайди ва фотоннинг бир параметрини бошка бир фотонни бузмасдан узгартириб булмайди. Бу табиатнинг фундаментал хусусияти физикада Гейзенберг ноаниклик принципи билан маълум. Бу принцип 1927 йилда ишлаб чикилган. Бу принципга асосан, квант тизимидаги параметрларнинг узаро богликлигини аниклаш ' унинг бузилишига олиб келади ва бу узгартириш натижасида кабул килинадиган ахборот дезинформация шаклида аникланади.

Агар фотонни бирор бир хусусиятини узгартирсак, масалан дейлик кутбланиш даражаси ёки ёруглик узунлигини ўзгартириш натижасида фотоннинг тузилиши узгаради. Бир вакднинг узида квантнинг иккита катталигини берилган аниклик буйича узгартириб булмайди ва кутбланиш даражасининг узгариши иккинчисининг хам мое равишда узгаришига олиб келади. Агар маълумотни юборувчи ва кабул килувчи томонлар кутбланишнинг бирор бир усулини танлаб олишмаган булса, кабул килувчи юборувчи томонидан берилган маълумотлардан хеч кандай фойдали маълумот олиша олмайди.

Шунга асосланиб, ахборотни узатишда бошка кимсалар томонидан ушлаб колинишида'химоя килиш учун маълумот узатиш каналлари курилади. Кабул килувчи келаётган ахборотни бошка одамлар томонидан ушлаб колинганлигини аниклаши мумкин ва бу аникланганидан кейин узатувчи томонга маълумотларни бошка калит буйича кайта узатишни сурайди.

Юборувчи маълумотларни бирор бир квантли тузилиш буйича кодлаштиради. Кабул килувчи эса, бу тузилишларни руйхатдан утказади. Кейин юборувчи ва кабул килувчи томонлар биргаликда кузатиш натижаларини тахлил килишади. Натижада, юборилган ва кабул килинган маълумотларнинг бир хиллилига ишонч хосил килинади. Натижаларни тахлил килишда куйидагиларга эътибор берилади: хатоликлар, шовкин ва бузгунчилар келтириб чикарган хатоликлар. Маълумотларни аниклиги тахлил килинади, лекин бит буйича тахлил килинмайди. Маълумотларни узатиш вактида фотонларнинг жойлашуви назорат килинади.

Ёругликни кутбланишини улчаш учун у кайси кутб системаси буйича узатилганлигини олдиндан билишимиз керак. Агар бизга ёруглик вертикал ёки горизонтал узатилган булса, уни горизонтал фильтрдан утказганимизда у 0 ёки 90 градусда кутбланганлигини аниклашимиз мумкин. Агар кутбланиш диоганал ва фильтрни горизонтал куйган булса, у холда ёруглик +45 ёки -45 градусда утканлигини аниклай олмаймиз.

Шунинг учун ёруглик импульелари оркали шакллантирилган каналда бошка шахслар томонидан ушлаб колинмайди. Нотугри фильтр урнатилганда канал бузилади. Квант криптографиясидан фойдаланиш жараёнида куйидаги квантли протоколлардан фойдаланилади:

1. Квантли протокол BB84

Бу система узида кабул килгич ва узаткичдан ташкил топган. Узаткич узида фотонларни турт кутбдан бирига жунатишда генератор ишлата олади.О, 45, 90 ёки 135 градуслар танланаётган битга боглик. Кабул килгич эса, кутбланишни улчайдиган фиксаторни ишлатади. Квант механикасини конунларига кура кабул килгич, тугридан-тугри кутбланиш(0,..,90) ёки диоганал кутбланиш(45,..,135)ларни фарклаи олади, лекин иккалсини биргаликда хеч качон фарклай олмаиди. Калитларни таксимлаш бир неча кадамларда иборат:

1- кадам: Узаткич фотонларни ихтиёрий танланган 4 кутблардан

1тасига юборади.

2- кадам: Хар бир кабул килинган фотон учун кабул килувчи ихтиёрий типдаги кутбланиш ?лчамини танлайди: тугри ёки диоганал. Кабул килувчи улчанган натижани ёзиб олади ва уларни махфий равишда саклайди.

3- кадам: Кабул килувчи (очик канал) ошкора фотонларни улчашда ишлатиладиган типларни эълон килади (натижани эълон килмайди).

4- кадам: Узатувчи юборувчига (очик канал буйича) тугри типдаги улчашларни хабар килади.

5- кадам: Фойдаланувчилар (кабул килувчи ва узатувчи) улчашлар хакида хамма тугри типдаги ходисаларни танлайди.

Бу ходисаларни битларга у™риб, калитларни олади. Хабарни угирламокчи булган бузгунчи, албатта шу хатоликни бажаради чунки у олдиндан фотоннинг кутбланиш типини билмайди. Квант механикаси эса, бу иккита номаълум бир-бирига боглик булмаган кутб типларини улчаш имконини бермайди (тугри ва диоганал кутблар) Иккита конуний фойдаланувчи квантли каналда эшитиш имконияти, **очик** канал оркали ихтиёрий битли калитлар ва хатоликларни теетдан ўтказади.

ололмаса хдм, бузгунчилар томонидан алданмайди, чунки каналга хар бир уланиш аникланади.

Масалан, бузгунчи кабелни кесиб ускуналар ёрдамида адресатни аналогик жихозлари хакида улчашларни олиб боради. Шундан сунг, у улчашлар натижасига кура кабул килувчига фотон жунатади. Шунда бузгунчи холатнинг 50% да нотугри анализатор танлайди ва адресатга тасодифан танланган холда жунатади. Натижада 25% мухим хабарлар битлари юборувчи томонидан адресатн и ки дан фарк килади.

Энди фойдаланувчилар ярим битли сатр калитини танлаш оркали ва ошкора уларни маъносини эълон килиш оркали бузгунчи борлигини била олади. Агар эълонларнинг хамма маъноси бир-бирига мое тушеа, фойдаланувчилар уларни хеч ким эшитмаётганини ишонч хосил килиши мумкин. Чунки, уларни эшитиб туриш эхтимоллиги (3/4)N/2 ~= 10-125 булган да, N =1000

Масалан, Алиса куйидагиларни юборяпти: j \/ - \ - |.

Боб узининг детекторини ихтиёрий созлаб олган.

Махфий калит алгоритмининг генерацияси.

Боб кутбланишни тугри аниклаганда (Худди Алиса юборган кутблардай), у тугри натижа олади колган вазиятларда эса, натижа тасодифий булади.

Боб ва Алиса очик канал оркали бир-бирига кайси кутбланиш типидан фойдаланаётганини айтади (диоганал ёки ортогонал). Факатгина тугри натижаларни колдиради.

Бизнинг келтирилган мисолимизда Боб 2, 5 , 6, 7 - импулслар кутбланишини топди. Шундай килиб, | \ \- | колади.

Олдиндан келишилган шартларга кура, натижа битлар давомийлигига айланади (Масалан, 0 ва 45 бирини кабул килади. 90 ва -45 эса, 0).

Хабарни огирланганлигини Боб ва Алиса хатоларини текшириш оркали аниклаши мумкин, тасодифий хабарлар бетини таккослаб. Тугри келмагани, хабар угирланганини курсатади, ушанда калит узгартирилади ва кайта юборилади.

Агар фарк бўлмаа, таккослаш учун ишлатилган битлар ташланади ва калит кабул килинади.

2. Квантли протокол B92

0 ва 1ларни бу протоколда тасаввур килиш учун икки йуналишли кутбланган фотонлар ишлатилади. Узатувчи битларни кодлашда иккита кутбланган фильтрдан фойдаланилади. Бу иккита кутбли фильтрлар йуналиши орасидаги бурчак 45 градусни ташкил килади. Бу йуналишлар ортогонал эмас. Кабул килувчи фотонларни кабул килишда 90, 135 градусли фильтрдан фойдаланилади. Агар фотон кутби ва фильтри орасидаги фарки 90градусни ташкил килса, у холда фотон фильтр оркали утмайди. Агарда 45 булса, фотонни фильтрдан утиш эхтимоллиги 0.5га тенг.

Энди, B92 протоколини ишлаш кетма-кетлигини куриб чикамиз:

1-кадам: Манба икки фильтр оркали 0 ва 45 градусда 0 ва 1ли хабарни юборади.

2- кддам: Адресатнинг фильтри 90, 135 гр. йуналишда булади. Юборувчи шу йуналишдаги фотонларни жунатади.

3- кадам: Кабул килувчи кутбланишни аниклашда шу ёки бошка фильтр оркали фотонни утказади. Тасаввур килайлик, масалан битта фильтр оркали (135градус) фотон утмади. Адресат нима юборилганини билмайди. Агарда фотон фильтрдан утса, адресат ишонч билан кабул килинган фотон 0 эканлигини билдиради. Агар фотон яхши кабул килинса, навбатдаги калит бити 0 ёки 1 билан ишлатиладиган фильтрга караб'кодланади.

4- кадам: Адресат юборилган фо*онлардан тахминан 4дан

бирини олганини аниклаш осон.

5- кадам: Давомийликни кабул килиб, адресат жунатувчига 1 ООдан 25та кабул килинган фотонни айтиш мумкин. Улар навбатдаги хабарда калит булиб хизмат килиши мумкин. Шунинг билан фильтр ва кабул килинган кутбларни айтмасдан туриб бажаради. Шунинг учун бузгунчи телефон оркали сузлашувни

эшитиб турса хам, калитни туза олмайди.

6- кадам: Калитни мувофакиятли жунатишдан сунг, жунатувчи узининг хабарларини шу калит ёрдамида кодлаб юбориши мумкин. Адресатдан бошка хеч ким кодни оча олмайди. Бузгунчи томонидан хабарни калитини угирланганлиги хакидаги маълумотни, фойдаланувчилар хатоликни назорат килиш оркали топиб олиши мумкин. Бунинг учун улар худди BB84дагидек,

калитдан танланган холатларни таккослаш оркали аниклайди. Агарда бир-бирига тугри келмаган холлар аникланганда, хабар угирланганлигини курсатади ва юбориш процедураси бошкатдан кайтарилади. Агарда тугри келса, текширилаётган бит, калит эксплуатацияга кабул килинади.

3. Эккерт томонидан таклнф килинган квантли протрокол.

1991 йил Эккерт махфий калит яратишда узаро богланган квантли заррачаларни ишлатишни таклиф килди. Бундай хусусият биринчи булиб, Эйнштейн томонидан 1935 йил мантикий парадокс деб айтиб утилган, кейинрок 1969 йилда Белл томонидан тушунтирилган. Бир-бирига боглик заррачалар (ЭПР заррачалар)
харакатчан холатда булади. Бундай заррачаларнинг тулкин функциясига кура: |Y> = (1 /2)1 /2«(|0>| 1 >-| 1 >|0>)

Бу ерда заррачалар улчанаётган ЭПР парадоксига кура ёзилган. Бу икки жуфтликдан бирининг холати маълум булса (мисол учун, кандайдир базасига асосан улчашлар олиб борилаётган булса), у холда икки холатини 100% лик аниклик билан аниклаш мумкин ва бу икки зарранинг бир - бирига боглик ортоганал булади. Агар биринчи зарранинг холатини улчаши |0> ни берса, у холда иккинчи зарраники худди шу базисда |1>.

Эккерт протоколини ишлаши учун, иккита ЭПР заррани генерацияловчи курулма зарур булади. Булардан ташкари махфий калитларни шакллантиришда квантларини катнашувчиларга узатувчи канал зарур, катнашувчиларда эса кабул килинган зарраларнинг холатини улчайдиган курилма булиши керак.

1- кадам: Қурилма икки бир - бирига боглик зарраларни ишлаб чикарувчи курилма (А ва Б).

2- кадам: А заррача биринчи фойдаланувчига юборилади (одатда уни Алиса деб номлаймиз), Б' заррача эса иккинчи фойдаланувчига (уни хам Боб деб номлаймиз).

3- кадам: Алиса ва Боб уз зарраларини улчайди. улчашлар натижаси эса ЭПР парадоксига тугри келиши керак ва Беллага тенг булмаслиги керак.

4- кадам: Давомийлигидан олинган битларни бир кисмини очик канал буйича улчанади. Агарда улар квантлар кореляциясини бузилганлигини аникламаса, у холда эълон килинмай колган битлар калит деб эълон килинади.

Камчилиги: айирбошловчи катнашувчилардан бири кабул килинган кетма - кетликни инвертлаб туриши керак.

Масалан шпион квантлар узатиш каналини топиб олди ва квантларни холатини улчай бошлади. Лекин у кайси базисда улчашлар олиб боришини каердан билсин? Шу тарика бузгунчи камида 50% вазиятда ЭПР богликлигини бузади. Бузгунчининг
борлигини худди ВВ84дагидай, калитли кетма - кетликдаги куп
хатолар оркали аникланади.

4. Зичлаб кодлаш протоколи. Тасаввур килайлик, жуфт кубитларни кетма - кетлигини |00>+|11> холатда яратувчи курилма мавжуд ва хар бир жуфтликда бигга кубитни Алисада саклаш учун, бошкасини Бобда саклаш учун юбормокда. Бунгача Алиса ва Боб учун хеч качон бир - бири уртасида богланиш урнатил мае лиги талаб килинган эди. Бу холда эса, Алиса Бобга битта кубит ёрдамида, икки

классик битлар хакида хабар бериши мумкин. Бу холат шундай тушунтирилади, бир - бирига боглик булган турт ортогонал |00> + |11>, |00> -|11>, |01> + |10>, |01> -|10> холат бир холатдан бошка холатга утишдабир кубит воситасида таминланиши мумкин.

Берилган холат жуда кучли Белл - ЭПР кетма - кетлгини курсатгани учун Белла базиси деб аталади (Браунстеин эт. ал. 1992). |00> + |Ц> холатдан бошлаб, Алиса Белла базиси холатида квантларнинг бир гейт {1, X, Y, Z } ёрдамида маълум булган кубитга таъсир курсата олади. Операцияларда 4 имконият булгани учун 2 битли классик ахборот билан таъсирда аникланади.

Зичлаб кодлаш протоколини куриб чикайлик:

1- кадам: Алиса ва Боб курулмадан бир - бирига боглик булган жуфт кубитлардан (а ва б) бирини олишади.

2- кадам: Алиса узининг кубити а га гейт билан таъсир курсатади. Хар кандай гейт ишлатишга юборилаётган 2 бит ахборотга
боглик-

3- кадам: Боб Алисадан кубит кабул килгандан сунг, у кубит Белла базисини кайси холатидалигини аниклаши керак. Буни жуфт кубитга XOR гейти тасири воситасида килиш мумкин ва натижаловчи битни улчаш оркали. Шу тарика Боб |00>+-|H> холатни |01>+-|10>
холатдан фаркдай олади.

4- кадам: Боб суперпозиция белгисини аниклаши учун, у Адмара "X" узгартиришини ишлатиши керак [мисол учун 7] ва шундан сунг натижани улчаши керак. Шундай килиб Боб икки классик битлар хакида ахборот олади.

Зич кодлашни амалга ошириш кийин. Шунака фикрлар борки стандарт богланиш методидан бошка амалий маъноси йук- Лекин бунака эмас. Бу протокол алока химоя килади. Икки классик битлардаги ахборотларни олиш учун, юборувчи Алисани кубитини икки жуфтига эга булсагина ахборотни олади. Шундай килиб бузгунчи хам марказдан Бобга юборилаётган жуфт кубит олиши керак, Алиса хам' бобга юбораётган кубитни олиши керак. Кўриниб турибдики, бу кубитлар хар хил ККС билан юборилади. Бундан ташкари, агар бугунги битта кубитни олишга муваффак булса, уни ушлаб топиб олишади, чунки кубит иккинчи кубитга тулик эмас.

Бузгунчи Бобга олинган жуфт кубитдан бош бириктирилган жуфт кубитларни юбориши мумкин. У холда Алисанинг хабари хакикатдан хам угирланган булади. У холда бузгунчи бириктирилган жуфтликни ишлаб чикарадиган генераторга киришга эга булиши керак. Алиса ва Боб узларида ишлаб чикарадиган мавжуд кутбларни текшириш хакида келишиш мумкин. Бундай текшириш бузгунчини ишига 50% холатда салбий натижани курсатиши мумкин. Бундан ташкари бузгунчи Алиса юборадиган кубитни кодлаши учун канчадир вакт йукотади, бундай йукотишдан сунг, у алмаштирилган кубитни юбора олмайди. Факатгина 2 битли ахборотни олгачгина бузгунчи кубитни уз кубитига узгартириб Бобга юбориши мумкин. Каналдаги кубитларни кечикиши бузгунчи борлиги хакида шубха уйготади ва Алисага у хакида хабар килинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Нильс Фергюсон, Брюс Шнайер «Практическая криптография»,

М.: Издательский дом «Вильяме», 2005г.-424с.

2. Петров А.А. «Компьютерная безопасность. Криптографические методы защиты», М.: ДМК, 2000г. -448с.

3. Коблиц Н. Курс теории чисел в криптографии. - М., Научное издательство ТВП, 2001 й.

4. Масленников А. Практическая криптография BHV - СПб 2003Й.

5. Шнайер Брюс. Прикладная криптография. Протоколы, алгоритмы, исходные тексты на языке Си. Триумф-2002й.

6. Баричев С. Основы современной криптографии. Учебный курс. Горячая линия Телеком 2002Й.

7. С.К.Ганиев, М.М. Каримов, К.А. Тошев «Ахборот хавфсизлиги. Ахборот - коммуникацион тизимлари хавфсизлиги», «Алокачи» 2008 йил, 378 бет.

6 – Лаборатория машғулотлари.

КВАНТ КРИПТОГРАФИЯСИНИНГ ИШЛАШ ПРИНЦИПИ ВА УНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТ ТАДКИКОТИ

Оптик толали кабеллар пайдо булиши натижасида (бир неча Гбит/с), узатиш тезлиги В чизикли трактларда (ЧТ), ракамли узатиш трактларида (РУТ) бир вактда кайта тиклаш булимларининг узайиши билан бирга (100 км гача ва ундан юкори) юкори курсаткичларга эришиш мумкин булди. Оптик толали кабелларда ракамли трактнинг металл жуфтли кабеллардаги ишчанлиги 100 баравардан купрокка **ортик,** Кайсики иктисодий томондан хам фойдалидир. Купчилик кайта' тиклагичлар охирги ёки транзит станциялар билан бирлаштирилиши мумкин. Шунинг учун кайта тиклагичларни масофадан таъминлашни осонлаштиради. Шунинг учун оптик толали кабеллар транспорт тармокларида сигналларни таркатишдаги асосий
мухит хисобланади.

Транспорт тармоклари телекоммуникация тармоклари микёси

буйича куйидагича булинади.

1. Миллий микёс - бундай транспорт тармоклари минтакалар (вилоят)аро алокани таъминлайди, бу тармок тугунлари вилоят марказлари ва йирик саноатлашган шахарларда жойлашади.

2. Минтакавий микёс - бундай микёсдаги транспорт тармоклари бир минтака (вилоят)да жойлашган турли туманлар орасидаги алокани таъминлайди ва бу тармок тугунлари одатда туман марказларида жойлашади.

Миллий ва минтакавий микёсдаги транспорт тармокларида узатилиш хажмининг трафиги буйича фаркланади, маълум мивдорда миллий микёс да купрокдир Шунга биноан бундай тармокларни лойихалаштириш ва куришда оптик толали кабелларни тугри танлаш зарур Шунингдек, шу транспорт тармогида узатилиши зарур булган трафик ва бир пайтда унинг иктисодий кийматининг ошиб кетмаслигини таъминлаш зарур.

Транспорт тармокларидаги кабелларни тугри танлаш, шу тармокда ишлатиладиган тармок курилмаларининг технологияси билан узвий богликдир. Кайсики, транспорт тармоги ракамли трактни хосил килишини таъминлаши керак.

Транспорт тармогининг курилишида турли хил тармок технологиялари ишлатилади:

- синхрон ракамли иерархия SDH технологияси;
- асинхрон туридаги ахборот ташиш АТМ технологияси;
- тулкинли мултиплексор WDM технологияси.

SDH технологияси учун асосий узатиш мухити булиб G652 МЪЬ - Т тавсифномасига жавоб берадиган оптик-толали кабелларнинг стандартлари ишлатилади. АТМ технологиям хам шу оптик толали кабелларни ишлатиш мумкин, лекин одатда АТМ, SDH билан биргаликда ишлатилади. Оптик толаларда дисперсия катталикларини кичрайтириш ва SDH технологиясининг кайта тикланиш майдонини узайтириш учун сурилган дисперсияли ва G65, МЪЬ-1 тавсифномасига жавоб бера оладиган оптик толалар ишлаб чикарилган. Бундай оптик-толаларда дисперсиянинг нуктаси (0) тулкин узунлиги 1.3 мкм дан иш узунлиги 1.55 мкмтомон сурилган.

WDM (DWDM) тулкиннинг мултиплексорлари технологиясининг ва G652 тавсифномага жавоб берувчи дисперияси сурилган (G653) оптик толанинг кулланилиши натижасида оптик сигналларнинг узатилиши ёмонлашувига олиб келадиган ночизикли эффектлар хосил булади. Шунга ухшаш эффектларни бартараф этиш учун WDM ва DWDM технологияларнинг ишлатилишида G655 тавсифномасига жавоб бера оладиган дисперсия силжиши (0) га тенг булган оптик толали кабеллар ишлаб чикарилган.

Бундай толага True Wave оптик толаси мисол була олади. Хрзирги вактда Узбекистан Республикаси транспорт тармогининг хар хил микёсида тармок технологиясининг синхрон ракамли SDH иерархияси ишлатилган, шу билан бирга G652 тавсифномасига мое келувчи стандарт оптик толалар кулланилган. Бундай тармокларда ракамли ахборотнинг блок л и циклик тузилиши асосида узатиладиган STM транспорт модули деб аталади.$_{г}$ Транспорт модули узининг микёси буйича ракамли ахборотни узатиш тезлиги ва ташкил этиладиган каналлари буйича ажратилади. Улар 4 боскичдан иборат (6.1.-жадвал).

бЛ.-жадвал

SDH транспорт модули даражаси	Транспорт модули	Узатиш тезлиги (Mbit/s)	Телефон каналлар сони
SDH биринчи даража	STM- 1	155.52	1890
SDH иккинчи даража	STM-4	622.08	7560
SDH учинчи даража	STM- 16	2488.32	30240
SDH туртинчи даража	STM- 64	9953.28	120960

Маълумки, телекомуникацион транспорт тармоклари глобал, миллий, минтакавий ва махаллийларга булинади. 6.2,- жадвалда тарнспорт модуллари ва тарнспорт тармокларининг узаро богликлиги курсатилган.

6.2.-жадвал

Транспорт тармогн	Транспорт модули
Глобал	*STM-64, STM- 16*
Миллий	*STM- 16, STM- 4*
Минтакавий	*STM- 4, STM-1*
Мах^аллий	*STM- 1, STM- 4*

Лойихалаштирилаётган тармоқ боқич миқиёсига қараб керакли каналлар ташкил эта оладисган транспорт модули танланади. Шунинг учун керакли модуллар сони куйидагича аникланади:

hh.mod = (N,$_{sh}$kjm$_{r}$mod):

Бу ерда: N_{ish}k. - ишчи каналлар сони; N_{tr}mod – транспорт хосил қиладиган каналлар сони.

Транспорт модули асосида ракамли ахборотни узатиш учун 2 та оптик толали танлаш зарур. Шунда кабелдаги керакли толалар сони $N_{10}i = Ish_0mod * (2+2_{мх})$ га тенг бўлади.

Бу ерда Ish_0mod транспорт модуллар сони $2+2_{зах}$ захира тола. Кабелдаги ишчи толалар сонини аниқлаб, кабелнинг маркаси ва унинг турини биламиз. Кабелни танлашда унинг етказилиш шароити, яъни телефон канализациясини, ер ёки сувдан ўтиш жойлари бўлишини инобатга олиши зарур.

Немес кабеллари 3 синфга булинади.

Биринчи, энг ахамиятлисига чизиқли оптик толали кабеллар киради. (Fiber Optic Outdoor Cables). Бу кабеллар телефон канализациялари, ерда ва коллекторларда ишлатилиш учун мулжалланган.

Иккинчи синф ўзида станция оптик толали кабелларини акс эттирган (Fiber Optic Outdoor Cables). Бу кабеллар фақат бино иншоатлари ичида ишлатилишига мўлжалланган.

Учинчи синфга факат махсус ишлатилиши учун мулжалланган кабеллар киради. Булар осиладиган (Fiber Optic Outdoor Cables) ва сув остида ишлатиладиган (Fiber Optic Outdoor Cables) кабеллар, шунга биноан таянчларга осилади ёки даре, сув хавзалари тагидан утказилади. Келтирилган синфдаги кабеллар тузилиши, модуллар сони, тола сони, коплами сони, ишлатилган махсулоти билан фаркланади. Аник турни танлаш кабел ишлатиладиган бир неча омилга боглик, булар кайси тармокда ишлатилиши, каналлар сони, узатиш параметрлари, еткизилиш шароитлари, ташки таъсир, кабел киймати ва хоказолардир.

Оптик кабеллар маркировкасини куриб чикайлик. Кабелнинг маркаси деб шартли белгилашларга айтилади. Буларга х,арфлар гурухи ва ракамлар киради. Уларнинг маълум тартибда ёзилиши кабелнинг тузилиши ва уни ишлатилиш шароитини курсатади. Германия кабел саноатида VDE (Verband Deutscher Elecktrotechniker- Association of German Electrical Engineers) Германия электро мухандислар ташкилоти томонидан стандарт марка - белгилашлар ишлаб чикилган. Оптик-толали кабеллар учун харфли ва ракамли белгилашлар ишлатилади.

Шахарлараро модерлар оптик толали алока линияларининг уртасида етказилиш учун ишлатилади. Ахоли яшаш жойларида бу кабеллар мавжуд булган телефон канализациялари ва метро коллекторлари, ундан ташкарида ер, яъни тупрок оркали утказилади.

Шахарлараро оптик-толали алока линияларида телефон канализациялари ва ерда ёткизиш учун куйидаги кабел турлари ишлатилади. A- DF (ZN) 2Y (SR) 2Y. A- DF (ZN) 2Y (SR) 2Y 3x6E9/125 0.36F3.5+0.22N18 LG турдаги кабел тузилиши келтирилган. Кабелнинг марказий куч элемента шишапластикдан ясалган бир модли толалар тури E9/125 термобардош фторопласт найларда жойлаштирилиб, модул деб юритилади. Кабел узагида каватли мустахкамлаштирилган когоз ва саноат толаси ёткизилган. Кабелнинг ички коплами полиэтилендан, калайдан килинган коплама остида мустахкамлашган когоздан ёстикча жойлашган. Пулат коплама ташкари кобик полиэтилен шланг билан копланган кабел тулдиргичлар билан гермитизацияланган.

A- DF (ZN) 2Y (SR) 2Y 3x6E9/125 0.36F3.5+0.22N18 LG кабелнинг маркасининг укилиши куйидагича:

A- чизикли кабел;

D- куп толали модул тулатилган;

F- кабел узаги гидрофоб тулдиргичи билан;

(ZN) 2Y- полиэтилен коплама, ташки;

(SR)- катламлаштирилган пулат коплама;

2Y- ички полиэтилен коплама;

3- модуллар сони;

6- модулдаги толалар сони;

E- бир жинсли тола шиша/шиша;

9- модли майдон диаметри (1 жинсли майдон диаметри);

125- тола копламининг диаметри, мкм;
0.36- суниш коэффициента, dB/км;
F- тулкин узунлиги;
3.5- импулс кенгайиш (дисперсия х,исобига) ps/nm х км;
0.22- суниш коэффициента, dB/км;
H- тулкин узунлиги 1.55 мкм;
18- импулс кенгайиши (дисперсия хисобига) ps/nm х км;
LG- урам узаги.

ADSL (Asymetric Digitel Subscriber Line) аббревиатураси - асимметрик ракамли абонентлик линияси деб кенгайтириб изохланади. Номининг узи технологияга аввалдан жойлаштирилган абонентга ва тескари йуналишларда тезликлар алмашинуви турларини курсатади. Маълумотлар узатиш тезлиги фойдаланилаётган жихоз, телефон линияси узунлиги ва сифатига боглик- Маълумотлар узатишнинг асимметрик хусусияти махсус амалга оширилган, бунда Интернетдан типик фойдаланувчи сифатида маълумотларни у[3] компьютерига жойлаштиради, бошкарув буйруклари ва фойдаланиладиган маълумотларнинг унча катта булмаган окими (электрон почта, сах,ифаларнинг янгиланиши ва бошкалар) тескари йуналишда боради.

Ўз сифатига кура ADSL - технологияси кимматбахо толали- оптик тармокларнинг альтернатив курилмаси хисобланади. Тармокдан фойдаланувчи учун ADSL дан фойдаланиш куйидагилари билан диккат талаб этади:

- кечаю-кундуз Интернетга уланиш мумкин, бунда кунгирок килиш шарт эмас, сабаби уланиш доимийдир;
- интернет-алока тургун- ва у телефон линияси хусусиятларининг узгаришига боглик булмайди, бу эса алока узилишисиз жуда катта хджмдаги маълумотлар олиш имконинй беради.

Маълумотлар учун: ADSL - абонентлик уланишининг энг замонавий технологияларидан бири булиб, бир вактнинг узида оддий телефон линияси оркали хам овоз, хам маълумотларни узата олади. Бошкача килиб айтганда, Интернет ишлаётган вактда телефон линияси оддий кунгироклар учун эркин булиб колаверади ва алока сифати хам узгармайди. Назарий жихатдан ADSL - сервис тармовдаги абонентга маълумотлар узатиш тезлиги 8 Мбит/с дан, тескари йуналишда 1.5Мбит/с га тенг бўлади.

Оптик толали тармоклар шубхасиз алока сохасида энг кузга кўринган йуналишлардан бири. Оптик толали тармокларнинг утказувчанлик кобилияти мис кабелли линиялардан сезиларли даражада юкори. Бундан ташкари оптик тола электромагнит майдонларига таъсирчан эмас. Бу эса, мис кабелли алокалардаги баъзи бир нокулайликларни бартараф этади. Оптик толали тармоклар кам харажат билан маълумотларни узок масофага етказиб бера олади. Бу технологиянинг киммат булишига карамасдан, унинг бахоси кун сайин арзонлашиб бормовда. Мис кабелли тармоклар эса, узининг юкори ривожланиш даражасига етиб, янада ривожланиш учун куп харажат талаб килади.Хозирда квант криптографияси тижорат ва харбий ташкилот томонидан кизикиш билан каралмокда, чунки бу технология абсолют химояни кафолатлайди. Квант криптография технологиясини яратувчилари, хозирда шу технологиями лабораториядан бозорга чикдришга

якинлашиб колди. Оз вактдан сунг, банк ва махсус хизмат ходимларининг квант криптографияси яма бир кават химоя катламига айланиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Нильс Фергюсон, Брюс Шнайер «Практическая криптография», М.: Издательский дом «Вильяме», 2005г.-424с.
2. Петров А.А. «Компьютерная безопасность. Криптографические методы защиты», ML: ДМК, 2000г. -448с.
3. Коблиц Н. Курс теории чисел в криптографии. - М., Научное издательство ТВП, 2001 й.
4. Масленников А. Практическая криптография BHV - СПб 2003 й.
5. Шнайер Брюс. Прикладная криптография. Протоколы, алгоритмы, исходные тексты ма языке Си.Триумф- 2002Й.
6. Баричев С. Основы современной криптографии. Учебный курс. Горячая линия Телеком 2002 й.
7. С.К.Ганиев, М.М. Каримов, К.А. Тошев «Ахборот хавфсизлиги. Ахборот - коммуникацион тизимлари хавфсизлиги», «Алокачи» 2008 йил, 378 бет.